

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САНГИРОВА ЗАМИРА БОЗОРБОЕВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА STEAM ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЎҚУВ-ЛОЙИҲА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**
(табiiй фанларни ўқитиш мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Сангирова Замира Бозорбоевна

Умумтаълим мактабларида STEAM ёндашув асосида ўқув-лойиҳа ишларни ташкил этиш методикаси (табиий фанларини ўқитиш мисолида)5

Сангирова Замира Бозорбоевна

Методика организации учебно-проектных работ в общеобразовательных школах в рамках STEAM (на примере преподавания естественных наук)21

Sangirova Zamira Bozorboyevna

Methods of organization of educational and projecting works in general education schools within the framework of the STEAM approach” (on the example of teaching science)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САНГИРОВА ЗАМИРА БОЗОРБОЕВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА STEAM ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЎҚУВ-ЛОЙИҲА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**
(табiiй фанларни ўқитиш мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped2586 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Чирчиқ давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (csri.uz.ilmiy-kengash) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Суяров Кушарбай Ташбаевич

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар:

Махмудов Юсуп Ганиевич

педагогика фанлари доктори, профессор

Турсунов Икромжон Гуламжонович, физика-
математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpu-kengash@umail.uz).

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720 Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpu-kengash @umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.Э.Усаров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., доцент

Д.М.Махмудова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.д., доцент

Р.А.Эшчанов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фан-техника тараққиёти даврида, замонавий инновацион технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодиётдаги рақобатлар, янги инновацияларнинг етакчилиги, юқори технологияли ишлаб чиқарувчилар томонидан меҳнат бозори ва таълимга бўлган янги талаблар, умумий таълимда табиий-техник билимларнинг заиф берилиши ва илғор технологияларни ўзлаштиришнинг сустлиги, ўз навбатида, таълим тизимида нисбатан янги талабларни қўймоқда. Бундай муаммонинг ечими йўлида STEM таълими янги бир тренд сифатида таълимга кириб келмоқда. АҚШ да STEM таълимини Тадқиқотларнинг Миллий Кенгаши (National Science Foundation) томонидан тарғиб қилингани, Чикаго университети профессор-ўқитувчилари томонидан “The STEM School Stadu”, Европа давлатлари: Австрия, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Испанияда умумевропа даражасида STEM таълимини жорий этиш бўйича миллий ва глобал таълим стандартлари ишлаб чиқилгани ҳамда халқаро (In Genious, MASCIL, INSTEM, Mind the Gap, ER4STEM каби) лойиҳаларнинг бажарилгани мазкур таълим йўналишида замонавий компетентли кадрлар тайёрлаш зарурияти мавжудлигини англатади.

Жаҳон миқёсида бугунги кундаги таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш орқали таълим олувчиларда ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш ҳамда юқори малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлай оладиган таълим мазмунини яратишни тақозо этмоқда. Узлуксиз таълим мазмунини сифат жиҳатдан бойитиш ва унинг самарадорлигини оширишда таълимга бўлган янги талаблар билим олувчиларнинг қизиқиши, иқтидори, қобилияти каби шахсий сифатларни ривожлантириш ҳамда умумий таълимда табиий-техник билимларнинг интегратив STEM ёндашувлар орқали табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни шакллантириш муаммолари долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда таълим тизимининг фаолиятини такомиллаштириш зарурати, XXI аср кўникмаларига эга бўлган кадрларга эҳтиёж, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётини таъминлай олишга қодир шахсларни тайёрлай оладиган таълим мазмунини яратиш борасида концептуал тадқиқот ишларининг олиб борилиши умумий ўрта таълимни янги сифат босқичига кўтариш, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари барқарор тараққиётга олиб бора оладиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаб бериш масаласини кун тартибига қўяди. Бу йўлда илғор хорижий тажрибалари PIRLIS, TIMSS, PISA халқаро баҳолаш дастурлари талабларини инобатга олган ҳолда ўқув фан дастурлари, ўқитиш методикаси ва таълим сифатини баҳолаш тизимини яратиш педагогик жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон, 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2020 йил 31 мартдаги “Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги 67-сон, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 27 августдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида STEM таълими тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 274-сон буйруқлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз педагог олимлари Ш.М.Мирзаахмедова, Р.Мавлонова, Д.Шарипова, Н.Рахмонкулова, К.Матназарова, М.И.Нуриддинова, М.К.Шириновнинг тадқиқот ишларида умумий ўрта таълим мактабларида “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик” фанларини ўқитиш муаммолари, А.К.Рахимов, Ф.И.Очиловларнинг илмий тадқиқот ишларида эса табиий фанларни компетенциявий ёндашув асосида ўқитиш методикаси масалалари ўрганилган. Ўқувчиларда техник ижодкорликни ривожлантириш муаммолари Ш.С.Шарипов, О.А.Тўйчиев, Н.М.Ҳамдамова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари Л.В.Шептуховский, М.М.Матвеева, И.Г.Крохина, Н.А.Полякова, Л.П.Симонова, Т.Г.Николенко томонидан табиий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борилган. Шунингдек, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида робототехника, сунъий интеллектни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Т.В.Волосовец, В.А.Маркова, С.А.Аверин томонидан “Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларга STEM таълими” парциал модуль дастурида конструкторлик, моделлаштириш масалалари ўрганилган.

Таълимда янги STEM ёндашуви ривожланган давлатларда кенг қўлланилиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда ва STEM таълими кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Хорижий давлатларда кичик ёшдаги болаларда STEM таълимини ташкил этиш муаммолари Aaron D. Isabelle, Gilbert A. Zinn,¹ Yehudit Judy Dori, Zemira R. Mevarech², Sanders. M³, Robert M. Capraro, Mary M. Capraro, James R. Morgan⁴ томонидан тадқиқ қилинган ва улар томонидан мазкур таълим йўналиши бўйича дидактик таъминотлар яратилган.

Адабиётлар таҳлилга кўра, STEM таълимига оид илмий ва услубий ишлар амалга оширилган бўлсада, “Табиий фанлар”ни ўқитиш методикасини педагогик муаммо сифатида ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Чирчиқ давлат педагогика университетининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: бошланғич синфларда табиий фанларни ўқитишда STEAM таълимини қўллаш асосида ўқув-лойиҳа ишларни ташкил этиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

бошланғич синфларда “Табиий фанлар”ни ўқитишда STEAM таълимини қўллашнинг назарий ва амалий асосларини таҳлил қилиш;

ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни шакллантириш моделини яратиш;

бошланғич синф ўқувчиларига “Табиий фанлар”ни ўқитишда STEAM ёндашуви асосида ўқув-лойиҳа ишларини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш;

STEAM ёндашув асосида ўқитиш жараёнида ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришнинг дидактик таъминотини бойитиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида “Табиий фанлар”ни ўқитиш жараёни белгиланиб, унда Тошкент, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларнинг 1381 нафар ўқувчилари иштирок этган.

¹ Aaron D. Isabelle and Gilbert A. Zinn. STEPS to STEM – Student Science Notebook. Boston. Sense Publishers. – Rotterdam, 2017. – P. 224.

² Yehudit Judy Dori., Zemira R. Mevarech., Dale R., Baker. Cognition, Metacognition and Culture in STEM Education. Springer International Publishing. – AG, 2018. – P. 386.

³ Sanders M. STEM, STEM education // The Technology Teacher, 2009. – № 68. – P. 20-26.

⁴ Robert M. Capraro., Mary Margaret Capraro., James R. Morgan. STEM Project-Based Learning. SENSE PUBLISHERS ROTTERDAM. – BOSTON/TAIPEI, 2013. – P. 197.

Тадқиқотнинг предмети: умумий ўрта таълим мактабларида STEAM ёндашуви асосида “Табиий фанлар”ни ўқитишнинг мазмуни, ўқитиш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқот ишининг вазифаларини бажариш, ишнинг мақсади, объекти, предметидан келиб чиқиб, *назарий* (Президент фармонлари ва қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг таълимга оид меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик адабиётлар ва илмий тадқиқот ишлари ҳамда ривожланган давлатлар таълим стандартлари ва мамлакатимизда яратилган миллий ўқув дастурларнинг қиёсий таҳлили, мавзуга оид хорижий ва маҳаллий педагогик тажрибаларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш), *эмпирик* (бошланғич синф ўқитувчилари билан суҳбат, анкета сўровномалар, тренинг машғулотлар ва тажриба-синов ишларини ўтказиш, маълумотларни тизимлаштириш), тажриба-синов натижаларини математик-статистик таҳлил этиш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида STEAM таълимини қўллашнинг педагогик имкониятлари бошланғич синф ўқувчиларида табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларини шакллантиришнинг ўқитувчилар иштирокида ўтказиладиган барқарор муносабатлар, шахсий намуна, фаол фуқаро мотиви каби ижтимоий мобилликни таъминловчи интенсив усулларнинг мақбуллигини таъминлашга кўра аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлик компетенциясини шакллантириш модели назарий билимларни амалий-лойиҳалар уйғунлигида қўллашда кузатувчанлик, изланувчанлик, ижодкорлик каби STEAM технологиясига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

STEAM ёндашуви асосида ўқитиш методикаси таянч ҳамда “Табиий фанлар”дан табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган ўқув мазмунига уйда бажариладиган амалий ишлар, тажрибалар, кичик тадқиқот ҳамда ўқув-лойиҳа ишларини сингдириш асосида ривожлантирилган;

ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларнинг шаклланганлик даражаси лойиҳа ишини бажаришни интенсив шакллантиришни таъминловчи лойиҳа фаолиятига муносабат, лойиҳа ишини бажаришда кўникмаларнинг мавжудлиги, ўқувчининг лойиҳа ишига тайёргарлиги каби баҳолаш меъзонларни киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактабларида “STEAM технологияларини қўллаш бўйича таклиф этилган ғоялар умумий ўрта таълим мактаблари 1-, 2-, ва 3-синф “Табиий фанлар” дарсликларининг мазмунига сингдирилган. Мазкур дарсликнинг дидактик, педагогик мазмунидаги бир неча мавзулари (“Ҳаво температурасини ўлчаш”, “Иссиқлик нима?”, “Ҳаракат қандай юзага келади?”, “Товушни ҳосил қилиш”, “Антиқа телефон”, “Стетоскопни ясаш”, “Соя ҳосил бўлишини ўрганиш”) интегратив такомиллаштирилган;

физикадан тизимли таҳлилни амалга оширишга доир халқаро тажриба ва методик таъминот қиёсий таҳлил қилиниб ўрганилган ҳамда улар инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштирилиб, амалиётга жорий қилиш асосида ўқувчиларнинг физик тушунчалар билан боғлиқ илмий саводхонлик компетенцияларини ривожлантириш бўйича дидактик таъминот ишлаб чиқилган;

мактаб ўқувчиларининг физика фанидан билим, кўникма ва малакаларини ҳамда уларда илмий саводхонлик ва амалий компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган Миллий ўқув дастури яратилган;

ўқувчиларнинг табиий фанларга оид тушунча ва билимларни эгаллашига ёрдам берадиган ўқув-амалий ўқитиш методикалари ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган. Шунингдек, ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича ўқитувчилар учун методик қўлланма яратилган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ишда қўлланилган ёндашув ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган республика ва хорижий журналларда чоп қилинган мақолалар, методик қўлланмалар, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумтаълим мактабларида табиий фанларни ўқитишда изланиш фаоллиги ва тадқиқотчилик қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик (кичик тадқиқот, амалий иш, лойиҳа иши) топшириқлар киритилгани табиий фанларнинг ўзлаштириш самарадорлигининг оширилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактабларида табиий фанлар дарслиги (дарслик ва ўқувчи дафтари) ва табиий фанларни ўқитиш методик таъминоти (ўқитувчи китоби) яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг натижалари кичик тадқиқот, амалий, лойиҳа ишлари, ўқув фаолияти давомида олинган билимларни амалиётда қўллаш кўникмасини ривожлантиришга қаратилган фанлараро боғлиқни таъминлаш бўйича STEAM технологияларининг табиий фанларга киритилиши ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини орттиради, уларда кузатувчанлик, ижодкорлик, изланувчанлик қобилиятларини ҳамда лойиҳалаштириш ва тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларида STEAM ёндашув асосида ўқув-лойиҳа ишларни ташкил этиш методикаси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

умумий ўрта таълим мактабларида STEAM таълимини қўллашнинг педагогик имкониятлари бошланғич синф ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларини шакллантиришнинг ўқитувчилар иштирокида ўтказиладиган барқарор муносабатлар, шахсий намуна, фаол фуқаро мотиви каби ижтимоий мобилликни таъминловчи интенсив усулларнинг мақбуллигини таъминлашга доир таклифлари умумтаълим мактаблари 1-, 2-, 3-синф “Табиий фанлар” дарсликлари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2022 йил 12 майдаги 01/11-01/9-682-сонли маълумотномаси). Натижада, бошланғич таълимда STEAM технологияси асосида табиий фанларни ўқитиш мазмуни бойитилган;

ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлик компетенциясини шакллантириш моделини назарий билимларни амалий-лойиҳалар уйғунлигида қўллашда кузатувчанлик, изланувчанлик, ижодкорлик каби STEAM технологияларига устуворлик беришга оид таклиф ва тавсиялари асосида 1-, 2-, 3-синфлар кесимида яратилган “STEAM ёндашуви асосида ўқув-лойиҳа ишларини ташкил этиш” методикаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2022 йил 12 майдаги 01/11-01/9-682-сонли маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчилари мавжуд ва ўзлари яратадиган жиҳозлардан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантиришнинг дидактик таъминоти кенгайтирилган;

ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларнинг шаклланганлик даражаси лойиҳа ишини бажаришнинг интенсив шакллантиришни таъминловчи лойиҳа фаолиятига муносабати, лойиҳа ишини бажаришда кўникмаларнинг мавжудлиги, ўқувчида лойиҳа ишига тайёргарлиги каби баҳолаш меъзонларни киритишга доир тадқиқот мазмунидан Миллий ўқув дастури ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2022 йил 12 майдаги 01/11-01/9-682-сонли маълумотномаси). Натижада, бошланғич синфларда ўқув-амалий ўқитиш шаклига кўра, ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш методикаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 3 та дарслик, 3 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 117 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати, асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлари ишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, аниқланган илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактабларида “табиий фанлар”ни STEAM таълими асосида ўқитишнинг методологияси”** номли биринчи бобида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларда **“Табиий фанлар”** фанини ўқитишнинг илмий методикаси асосида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда таянч ва фанга оид (табиий-илмий саводхонлик ва амалий) компетенцияларни шакллантириш, **“Табиий фанлар”** ўқув жараёнига STEAM таълимини жорий қилишнинг психологик-гигиеник талабларига эътибор қаратиш ва мавзуларни ўзлаштиришда ўқувчининг психологик-гигиеник хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш масалаларига бағишланган.

Фан ва техника тараққиёти, инновацион технологияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар, янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлари глобаллашув шароитида барча соҳаларда кучли рақобат муҳитини шакллантириб, ўз навбатида, таълим соҳасига нисбатан янги талабларни қўймоқда. Республикамизда узлуксиз таълимнинг Миллий дастурларини ишлаб чиқишнинг илмий-методик жиҳатлари методистлар, амалиётчи ўқитувчилар ҳамда олимлар билан ҳамкорликда такомиллаштирилмоқда.

“Табиий фанлар” бўйича яратилган фан дастури ўз ичига биология, география, физика, кимё, астрономия ўқув предметларини қамраб олади ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди. Бу фанларнинг ҳар бири ўзига хос таркиб, тузилиши ва тадқиқот усулларига эга. Ўқувчига оламда содир бўлаётган турли ҳодиса ҳамда жараёнларни тушунтиришда табиий фанларни ўзаро боғлаш асосида табиатнинг турли томонларини тасвирлайдиган моделлари (қуёш системаси, экосистема, ўсимликнинг ҳаёт цикли)дан фойдаланишга эътибор қаратилган.

“Табиий фанлар” фанининг ўқитилиши ўқувчиларда табиий-илмий, техник, экологик ва иқтисодий саводхонликни шакллантириш ҳамда танқидий ва ижодий фикрлашни ривожлантиришда фанларнинг ўзаро интеграцияси объект томонидан табиатни бир бутун борлиқ сифатида англаниши, уларнинг тафаккурида оламнинг ягона табиий-илмий манзараси вужудга келишига замин яратади. Шунингдек, ўқувчиларга мазкур фаннинг барқарор ривожланиш мақсадлари орқали экологик муаммоларнинг моҳиятини англаб етишга, табиатдан оқилона фойдаланиш йўллари, соғлом

турмуш тарзига амал қилиш тамойиллари ҳамда кундалик ҳаётда ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида табиий фанларни ўқитишнинг қуйидаги мақсад ва вазифалари қўйилган:

- ўқувчида табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш;
- ўқувчилар томонидан билишнинг илмий (кузатиш, тажриба ўтказиш) усуллари ўзлаштириш;
- ўқувчиларда илмий маданиятни тарбиялаш;
- олинган билимларни кундалик ҳаётда қўллаш;
- келажак ҳаётга йўналиш олиш кўникмаларини эгаллаш;
- шахсда когнитив, ахлоқий, ҳиссий фазилатларни ривожлантириш;
- ўқувчиларда табиатни асрашда муҳим бўлган ижобий фазилат (муносабат ва қадрият)ларни ҳамда экологик билим ва экологик маданиятни шакллантиришдан иборат.

Ўқувчиларни кичик ёшидан табиий фанларни ўқишга қизиқтириш уларда олам ҳақида яхлит тасаввур пайдо қилишга ёрдам беради. Бунинг билан бошланғич синф ўқувчилари физика ёки кимё қийин фан эмас, балки қизиқ фан эканини англайди ва уни ўрганишга ўзида рағбат сезади. “Табиий фанлар” таълим сифатини ошириш учун мавжуд фанларнинг интеграцион тарзда ўқитилишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда илк бор STEAM таълими “Табиий фанлар”ни ўқитишга жорий қилинмоқда. Ҳар қандай ёндашув таълим соҳасига тақдим қилинганда қуйидагилар: *биринчидан*, таклиф қилинаётган, масалан, STEAM таълими модулида ўқувчининг ёши ва унинг психологик хусусиятларининг инобатга олиниши, *иккинчидан*, унинг таркибий қисмида узвийлик таъминланиши, *учинчидан*, у таълимий натижани бериши, яъни ўқувчида билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириши лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларига табиий фанларни ўқитишда STEAM таълимини жорий қилишнинг психологик-гигиеник талабларига эътибор қаратган ҳолда ўқув жараёни турли қизиқарли тажриба, кичик тадқиқот, лойиҳа ишлари асосида ташкил этилиши таълимда муҳим саналади. STEAM таълимининг ижобий томонлари – ўқувчиларда аналитик фикрлаш ривожланиб аниқ ва табиий фанларга қизиқиши ортади, уларни нафақат индивидуал, балки жамоа билан ишлашга ўргатади.

Табиий фанларни ўқитишда мулоҳаза юритишни талаб этадиган муаммоли саволлар, кичик тадқиқотлар, тажрибалар ўтказиш, лойиҳа ишларини бажариш орқали ўқувчида изланувчанлик хусусиятларини ривожлантиришда “Кичик тажриба”, “Кузатиш”, “Муаммога ечим топиш”, “Лойиҳа ишларини амалга ошириш” каби методикалар қўлланилади. Бу методикалар ўқувчиларни ўқув-билиш фаолиятига ундаш билан биргаликда ижодкорлик, кўзланган мақсадга эришиш ҳамда уларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенциялар шакллантиришда аҳамиятли ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби “Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида “Табиий фанлар”ни ўқитишда STEAM таълимидан фойдаланиш методикаси” деб номланади. Мазкур боб методик мазмун касб этиб, унда бошланғич синфларда “Табиий фанлар” фанини ўқитишда STEAM таълимидан фойдаланишнинг мазмуни, STEAM таълими асосида “Табиий фанлар”ни ўқитишда ўқувчиларда физик тушунчаларни шакллантириш ҳамда ўқув-лойиҳа ишларини ташкил этиш методикаси, ўқувчиларида табиий-илмий саводхонликни баҳолашга қаратилган.

“Табиий фанлар”ни ўқитиш жараёнида ўқувчилар физика фанига оид ҳаракат, товуш, масса, температура, иссиқлик, ёруғлик нури, соя, энергия каби физик тушунчалар билан танишади. Шунингдек, уларнинг ҳаракатни юзага келтириш, товушларни ҳосил қилиш, жисмларнинг массасини ўлчаш, сояни ҳосил қилиш, стетоскоп қурилмасини ясаш, магнит таъсирини ўрганиш бўйича амалий ишларни бажаришлари табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни шакллантиришнинг омили ҳисобланади.

Мазкур бобда ўқувчиларга “Табиий фанлар”ни ўқитишда физик тушунчаларни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган ҳамда мавзулар кесимида ёритилган. Ўқувчилар дарсда эришиши лозим бўлган якуний натижалар “Иссиқлик нима” мавзусида ўқитишни ташкил этиш харитаси мисолида (1-расм) келтирилган.

	Якуний кичик натижалар Барча ўқувчилар...	Якуний кичик натижалар Аксарият ўқувчилар...	Якуний кичик натижалар Баъзи ўқувчилар...
А	Иссиқлик манбаларига оид мисоллар келтиради.	Иссиқлик манбаларига оид иккита мисол келтиради ва изоҳлайди.	Иссиқлик манбаларига оид келтирган мисолларни изоҳлайди, таққослайди ва хулоса қилади.
Б	Табиатда иссиқлик ҳодисаларининг муҳимлигини тушунтириб беради ҳамда кундалик турмушда фойдаланиладиган иссиқлик манбаларига мисоллар келтиради.	Табиатда иссиқлик ҳодисаларининг муҳимлигини тавсифлайди, кундалик турмушда фойдаланиладиган иссиқлик манбаларининг аҳамиятини тушунтиради.	Кузатишлар олиб боришда табиатда иссиқлик ҳодисаларининг муҳимлигини мисоллар билан изоҳлайди, таққослайди, фарқлайди, кузатишда давом этади.
С	Иссиқликнинг бошқа жисмларга таъсирини мисоллар ёрдамида тушунтириб беради.	Иссиқликнинг бошқа жисмларга таъсири муҳимлигини мисоллар ёрдамида тушунтириб беради ва изоҳлайди.	Иссиқликнинг бошқа жисмларга таъсири муҳимлигини мисоллар ёрдамида тушунтириб беради ва изоҳлайди, кузатишда давом этади.
Д	Иссиқлик манбаридан тўғри фойдаланишни билади.	Иссиқлик манбаларининг кундалик ҳаётда муҳимлигини мисол билан тушунтиради.	Иссиқлик манбаларининг кундалик ҳаётда муҳимлигини мисоллар билан тушунтиради таққослайди, тўғри фойдаланиш бўйича тавсиялар беради.

1-расм. Ўқувчилар эришиши лозим бўлган якуний натижалар.

Дарс давомида ўқувчининг яқуний натижаларга эришиш босқичларида, А – билим олишни фаоллаштириш, Б – янги мавзуни ўрганиш, С ва Д босқичларда янги мавзуни мустақамлашга доир топшириқлар бажарилади.


Педагогнинг таълим жараёнида ўқув лойиҳа ёки ўқув-тадқиқот ишларини ташкил этиш орқали фан асосларни ўрганишга алоҳида урғу бериши ҳамда ўқув машғулотларда замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланиши, муаммони қўйиш асосида ўқувчиларни муаммони ҳал этишга далилларни қидиришга йўналтириши ва олинган маълумотларни қайта ишлаши учун зарур бўлган элементларнинг киритилиши ўқувчиларда фанга оид бўлган билимларни ўзлаштиришга, кўникма ва компетенцияларнинг шаклланишига имкон беради. Табиий-илмий билиш даражаларига эришишнинг ўқув-амалий ўқитиш модели таклиф қилинган. Мазкур модел мақсад, мазмун, технология, натижа, баҳолаш қисмларини ўз ичига олган ва модел ўқувчиларни лойиҳа фаолиятига йўналтириш ҳамда улар билан ҳамкорликда ишлаш орқали бошланғич синф ўқувчиларида амалий компетенцияларни шакллантириш, уларнинг табиий-илмий саводхонлигини ошириш, ривожлантириш масалаларини ўзида акс эттиради (2-расм).

Модел Давлат таълим стандарти талабларга кўра, “Табиий фанлар”ни ўқитиш орқали ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни шакллантиришни мақсад қилиб олган ҳамда тажриба-синов амалиётига тадбиқ этилган.

Моделнинг мазмуний қисми объект (ўқувчи)нинг лойиҳа ишига оид маълумотлардан фойдаланишни билиши, лойиҳа ишида табиий ресурслардан фойдаланишни билиши, лойиҳа ишини ташкил этиш босқичларини билиши, лойиҳа ишининг ижтимоий аҳамиятини тушуниши каби функцияларини ўз ичига олган. Моделнинг мазмуний қисмида ўқувчини лойиҳа фаолиятига йўналтириш мақсад қилинган.

Моделнинг технология компонентаси босқичма-босқич ўқувчини лойиҳа ишига тайёрлаш вазифасини бажаради. Ўқувчи дастлаб кичик тадқиқот иши, амалий иш, уйда бажариладиган тажрибаларни бажариб, кичик лойиҳа ишини бажаришга киришади. Моделнинг технология компонентаси ўқувчини лойиҳа фаолиятига олиб киради ҳамда уларда амалий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилади.

Моделнинг натижа компонентасида ўқувчининг лойиҳа ишига киришиш ва уни бажариш жараёнида унинг эришган табиий-илмий саводхонлик ҳамда амалий компетенцияларни баҳолаш назарда тутилган. Баҳолаш мезонлари сифатида *ўқувчининг лойиҳа фаолиятига муносабати* (*кўрсаткичи* – лойиҳа фаолиятининг мақсад ва вазифаларини тушуна олиши ҳамда унга қатнашишга муносабати), *ўқувчининг лойиҳа ишини бажаришда кўникмаларнинг мавжудлиги* (*кўрсаткичи* – лойиҳа иши учун маълумотларни қидириш ва уни олиш), *ўқувчининг лойиҳа ишига тайёргарлиги* (*кўрсаткичи* – лойиҳа ишини режалаштира олади ва уни бажариш кетма-кетлигини билади, лойиҳа ишини бажаришда табиий ресурслардан унумли фойдалана олади) олинган. Баҳолаш мезони *паст* (*билмайди*), *ўрта* (*қисман билади*), *яхши* (*ўрта билади*) ва *аъло* (*яхши билади*) каби даражаларга ажратилган.



2-расм. Ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни шакллантириш модели.

Баҳолаш – таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир. Билимларни текшириш ва баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалининг ўзлаштирилганлиги ҳақида таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам муайян маълумотга эга бўлади.

Ўқувчи томонидан эришган билимларни назорат қилиш ва уни баҳолаш давлат аҳамиятига молик. Баҳолаш (диагностик – бошланғич, форматив – шакллантирувчи, сумматив – жамловчи) натижаларини умумлаштириш орқали мактаб жамоасининг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига бўлган эътибори, ўқувчидаги умумий ўзлаштириш даражасига баҳо берилади ва тегишли хулосалар чиқарилади ҳамда Давлат таълим стандартида қўйилган талаблар қай даражада бажарилаётганлиги аниқланади.

Фанни тадқиқот сифатида ўргатиш субъектда илмий далиллар ва натижаларни тақдим этиш билан чекланиб қолмасдан, улар кундалик ҳаётида жамият ва атроф олам билан боғлиқ муаммоларга ўз фикрини билдириш; кузатишлар асосида далилларни тўплаш ва улардан фойдаланишда фаол иштирок этиш; илмий билимларга асосланиб тушунтира олиш каби кўникмаларга ҳам эга бўлиши лозим.

Тадқиқот орқали илм-фанларини ўқитиш ва ўргатишнинг қандай хусусиятлари мавжуд? – деган саволга дидактик нуқтаи назардан қаралса тадқиқотга асосланган таълимнинг жавобгарлик даражаси билан тавсифлаш мумкин. Бунда ўқувчи ўз олдига муаммо қўйиб тадқиқот ғоясини шакллантиради ва ўқув-тадқиқот ёки бирор ўқув-лойиҳа устида иш олиб боради, муаммога жавоб излайди, ўз билимини баҳолаб тадқиқоти ҳақида маълумот йиғади (ўқувчи бошқарадиган тадқиқот). Ўқитувчи томонидан ўқувчини тадқиқотга жалб этилганлик даражаси (ўқитувчи бошқарадиган тадқиқот, таълимий натижа) билан таққосланади.

Тадқиқотнинг **“Педагогик тажриба-синов ишлари ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ишини бажариш давомида амалга оширилган тажриба-синов ишларининг мақсади, вазифалари, уни ташкил этишнинг босқичлари ва тажриба-синов натижалари ва уларнинг математик-статистик таҳлили ҳамда тадқиқотнинг самарадорлик натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари бир неча босқичларда республикамизнинг Тошкент, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларда олиб борилган ҳамда унда умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида “Табиий фанлар”нинг ўқитилиши, унда STEAM таълими, ундан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичларини акс эттиради.

Тадқиқотнинг шакллантирувчи босқичи 2019-2020, изланиш босқичи 2020-2021, ривожлантирувчи босқичи 2021-2022 йилларни ўз ичига олади. Тажриба-синов ишларининг ҳар бир босқичида қатнашувчилар сони, эксперимент майдонлари, олиб борилган машғулотнинг усули, мазмуни ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Педагогик тадқиқотнинг тажриба-синов босқичлари

Босқичлар	Тажриба-синов майдонлари	Иштирокчилар		Машғулот усули
		тажриба	назорат	
Шакллантирувчи (2019-2020 йй.)	Тошкент вилояти	39	32	Мазкур босқичда ўқувчилар билан суҳбат мавзулари, сўровнома, табиий фанларга оид топшириқлар ишлаб чиқилган ва улардан ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлигини баҳолашда фойдаланилган.
Иزلаниш (2020-2021 йй.)	Тошкент вилояти	76	69	STEAM ёндашувга асосланган дидактик таъминот ҳамда уни тажриба-синовда ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган. Тажриба синов ғоялари “Табиий фанлар” учун дарслиги ва ўқитувчи китоби мазмунига сингдирилган.
	Қашқадарё вилояти	86	87	
	Бухоро вилояти	92	91	
Ривожлантирувчи (2021-2022 йй.)	Тошкент вилояти	126	120	Ўқув-амалий билиш модели асосида ўқувчиларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларнинг ривожланиши лойиҳа иши мисолида баҳоланилган.
	Бухоро вилояти	142	145	
	Қашқадарё вилояти	137	139	
Жами:	1381	698	683	

Тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларнинг математик-статистик таҳлили билан боғлиқ натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Тажриба-синов ишларининг натижалари

Тошкент вилояти									
	5	4	3	2	Жами	Дисперсия коэффициенти	Ишончлилик оралиғи	χ^2	Самара- дорлик
Тажриба гуруҳи Q_{1i}	50	60	16	0	126	0,554	4,23 -4,31	31,49	1,156
Назорат гуруҳи Q_{2i}	22	49	39	10	120	1,29	3,47 - 3,92	7,815	
Хулоса	H_0 гипотеза қабул қилинди.								


Бухоро вилояти									
	5	4	3	2	Жами	Дисперция коэффициенти	Ишончилилик оралиғи	χ^2	Самара- дорлик
Тажриба гуруҳи Q_{1i}	56	68	18	0	142	0,553	4,23 - 4,30	36,54	1,157
Назорат гуруҳи Q_{2i}	27	58	48	12	145	1,29	3,49 - 3,90	7,815	
Хулоса	H_0 гипотеза қабул қилинди.								
Қашқадарё вилояти									
	5	4	3	2	Жами	Дисперция коэффициенти	Ишончилилик оралиғи	χ^2	Самара- дорлик
Тажриба гуруҳи Q_{1i}	53	67	17	0	137	0,552	4,23 - 4,30	36,40	1,157
Назорат гуруҳи Q_{2i}	26	54	48	11	139	1,28	3,48 - 3,89	7,815	
Хулоса	H_0 гипотеза қабул қилинди.								

Педагогик тажриба-синов ишининг математик-статистик таҳлили H_0 ва H_1 гипотезалар χ^2 статистик мезон $T = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^c \frac{(n \cdot Q_{2i} - m \cdot Q_{1i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}}$ формула асосида


текширилган. Бунда n – тажриба ва m – назорат гуруҳидаги ўқувчилар сони. Q_{1i} ва Q_{2i} лар тажриба ва назорат гуруҳларида баҳолаш тоифалари бўйича олинган баҳолар сони. Тажриба-синов ишларида 4 хил баҳолаш олинган, унда $i = 1, 2, 3, 4$ – тоифа рақамлари ($c = 4$). Ишончилилик даражасини 0,05 деб олинганда, Пирсон мезони коэффициентининг қийматини $T_{\text{мез}} = 7,815$ га тенг. “Хи-квадрат” усулида ҳисобланилган $T_{\text{куз}}$ қиймати олиб борилган барча тажриба-синов майдонлари учун $T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}}$ бўлиб, бунда Тошкент вилоятида $7,815 = T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}} = 31,49$, Бухоро вилоятида $7,815 = T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}} = 36,54$, Қашқадарё вилоятида $7,815 = T_{\text{кр.}} < T_{\text{куз}} = 8,32$ га тенг эканлиги аниқланилган.

Тажриба-синов давомида тажриба гуруҳларидан олинган натижаларга кўра, Тошкент вилоятида ўзлаштириш самарадорлиги 15,6 %га, Бухоро вилоятида 15,7 %га ва Қашқадарё вилояти 15,7 %га ортган. Юқорида келтирилган 2-жадвалдаги ўзлаштириш гистограммаси вилоятлар кесимида 3-расмда келтирилган.


Олиб борилган педагогик тажриба-синов ишларида ўқув-амалий ўқитиш моделининг амалиётга жорий қилиниши натижасида тажриба гуруҳи ўқувчиларда ўзлаштириш кўрсаткичи ўртача 15,7 %га ортишига эришилган.



Тошкент вилояти



Бухоро вилояти



Қашқадарё вилояти

3-расм. Tajriba-синовнинг ривожлантириш босқичидаги ўзлаштириш диаграммаси.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Умумтаълим мактабларида STEAM ёндашув асосида ўқув-лойиҳа ишларни ташкил этиш методикаси” мавзусида олиб борилган илмий-методик тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Умумтаълим мактабларида дарс жараёнини STEAM ёндашув асосида ташкил этиш, ўқувчиларнинг қўл меҳнати орқали билим олишнинг янги шаклини ўзлаштириши уларда амалий компетенцияларни шакллантиради.

2. Ўқувчиларда кузатиш фаоллигини ривожлантириш орқали уларда табиий-илмий саводхонлик ва амалий компетенцияларни шакллантириш имконияти аниқланди.

3. STEAM ёндашув асосида ишлаб чиқилган ўқув-амалий ўқитиш модели ўқувчилар томонидан фанга оид бўлган тушунчаларнинг самарали ўзлаштиришига имкон бериши тажриба-синов давомида текширилди.

4. Бошланғич синфда табиий фанларни ўқитишда STEAM ёндашув асосида лойиҳа ишининг ташкил этилиши табиий фанларни ўқитишда ўқувчиларда билим, кўникма ҳамда фанга оид компетенцияларни шакллантиришда ижобий самарасини берди.

5. Ўқувчиларнинг табиий-илмий билимларни эгаллаш даражалари, жумладан, уларнинг табиий-илмий саводхонлигини диагностик, форматив, сумматив каби баҳолаш усулларида фойдаланиб аниқлаш, тажриба-синов давомида самарали эканлиги аниқланди.

6. Бошланғич синф ўқувчилари учун “Ўқувчилар эришиши лозим бўлган якуний натижалар” деб номланган дарсни ташкил этиш методикаси тажриба-синов давомида самарали эканлигини кўрсатди.

7. Табиий фанларни ўқитишда “Барқарор тараққиёт таълими”га оид маълумотларнинг кўпроқ берилиши ўқувчиларда ҳаётий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган илмий якуний хулосалар асосида қуйидаги илмий-амалий тавсияларни берамиз:

1. Педагогика олий таълим муассасаларида (биология, география ва физика йўналишларида) битирувчилар учун “Табиий фанлар” модулини киритишни ва мазкур модулни ўқитишда талабаларга “Табиий фанлар” бўйича яратилган “Ўқитувчи” китобларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

2. Табиий фанлар йўналишида таҳсил олаётган талабаларга “Табиий фанлар” бўйича умумий ўрта таълим мактабларининг физика, биология, география фан ўқитувчилари учун тайёрланган малака ошириш курси дастуридан дарс машғулотида фойдаланиш (Мазкур дастур диссертация ишининг 5-иловада келтирилган) таклиф этилади.

3. Бугунги кунда “Табиий фанлар” йўналиши янги ўқув предмети, унинг методологияси ҳали тўлиқ ўрганилмаган, шу боис, бу йўналишда педагогика олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази билан ҳамкорликда табиий фанларни ўқитиш бўйича дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни яратиш ва фанни ўқитиш методологияси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПРИ ЧИРЧИКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САНГИРОВА ЗАМИРА БОЗОРБОВЕВНА

**МЕТОДИКА ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНО-ПРОЕКТНЫХ РАБОТ В
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ В РАМКАХ STEAM
(на примере преподавания естественных наук)**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (физика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована под номером B2021.2.PhD/Ped2586 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета(csri.uz.ilmiy-kengash) и на Информационном образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: **Суяров Кушарбай Ташбаевич**
доктор философии по педагогическим наукам, доцент

Официальные оппоненты: **Махмудов Юсуп Ганиевич,**
доктор педагогических наук, профессор

Турсунов Икромжон Гуламжонович,
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится “_____” 2022 года в “___” часов на собрании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 по присуждению научных степеней при Чирчикском государственном педагогическом университете. (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, 104. Тел: (99870) 712-27-55; faks: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, 104.). Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash @umail.uz).

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2022 года.
(Протокол реестра № _____ от “___” _____ 2022 года).

Ж.Э.Усаров
Председатель Научного совета по присуждению научных степеней, д.п.н., доцент

Д.М.Махмудова
Секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.н, доцент

Р.А.Эшчанов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В эпоху мирового развития науки и техники, конкуренции в экономике, связанной с внедрением и лидерством современных инновационных технологий, новых требований рынка труда и образования со стороны высокотехнологичных производителей, слабой обеспеченности природными ресурсами и техническими знаниями в общем образовании, в свою очередь, слабость профессиональной направленности и в освоении передовых технологий предъявляет новые требования к системе образования. По пути решения этой проблемы, STEM-образование входит в систему образования как новый тренд. STEM-образование в США продвигается Национальным исследовательским советом (National Science Foundation), «The STEM School Studio» профессорами Чикагского университета. В европейских странах: Австрии, Германии, Франции, Италии, Великобритании, Испании национальным и глобальным внедрением STEM-образования. Внедрение образовательных стандартов и международных проектов (таких как In Genious, MASCIL, INSTEM, Mind the Gap, ER4STEM) означает наличие необходимости подготовки современных компетентных кадров в этой сфере образования.

Улучшая функционирование современной системы образования в мировом масштабе, развитие жизненных навыков у учащихся требует создания образовательного контента, который может подготовить профессионалов. В целях качественного обогащения содержания непрерывного образования и повышения его эффективности учитываются новые требования к образованию, развитию личностных качеств, таких как интерес, талант, способности обучающихся, а также проблемы формирования практических компетенций посредством интегративных STEM-подходов, актуальное значение приобретают новые направления естественно-технических знаний в общем образовании.

Необходимость совершенствования деятельности системы образования в нашей республике, потребность в кадрах с навыками XXI века, проведение концептуальных исследований по созданию образовательного содержания, способного подготовить лиц, способных обеспечить устойчивое развитие нашей страны, поднять общее среднее образование на новый уровень качества, вести от национального возрождения к национальному прогрессу и к устойчивому развитию. С учетом требований международных оценочных программ PIRLIS, TIMSS, PISA педагогически важно *создание учебно-научных программ, методов обучения и системы оценки качества образования.*

Данная диссертация в определенной мере служит реализации намеченных задач в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5538 от 5 сентября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления

народным образованием», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3931 от 5 сентября 2018 года «О мерах по внедрению новых принципов управления в систему народного образования», №ПП-4805, от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и эффективности науки в области химии и биологии», №ПП-4884 от 6 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования», №ПП-5032 от 19 марта 2021 г. «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» и Приказах Министра народного образования Республики Узбекистан № 67 от 31 марта 2020 года «О разработке Национальной учебной программы общего среднего образования», № 298 от 9 декабря 2020 года «Об утверждении и экспериментальной апробации Предварительного Проекта Национальной учебной программы общего среднего образования», № 274 от 27 августа 2021 года «О внедрении системы STEAM-образования в общеобразовательных средних школах» и в других нормативных и юридических документах, связанных с этой деятельностью.

